

ЎҚУВЧИЛАРДА ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Атамурадов Хасан Юлдошевич

Тошкент Амалий фанлар университети Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқи-
тувчиси

Аннотация: мақолада умумтаълим мактабларида тарбия фанини ўқитиши орқали ўқувчи-
ларда ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириши усуллари, тамойиллари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: саводхонлик, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик, билим, кўникма, тарбия,
таълим

ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ ПРАВОВОЙ ГРАМОТНОСТИ У УЧАЩИХСЯ

Атамурадов Хасан Юлдошевич

Преподаватель Ташкентского университета прикладных наук

Аннотация: в статье отражены методы, принципы развития правовой грамотности у уч-
ащихся путем преподавания воспитания в общеобразовательных школах.

Ключевые слова: грамотность, правовая культура, правовая грамотность, знания, навыки,
воспитание, просвещение

PRINCIPLES OF DEVELOPMENT OF LEGAL LITERACY AMONG STUDENTS

Атамурадов Хасан Юлдошевич

Lecturer at Tashkent University of Applied Sciences

Abstract: the article reflects the methods and principles of developing legal literacy among students
by teaching education in secondary schools.

Keywords: literacy, legal culture, legal literacy, knowledge, skills, education, enlightenment

Жаҳонда глобаллашув жараёни тезлашаётган бир пайтда ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни
ривожлантириш, ҳуқуқий компетенцияни шакллантириш, уларни такомиллаштириш ва ўқитиши
масалалари долзарб бўлиб бормоқда. Бугунги қунга келиб ҳуқуқ таълимига доир турли интерфа-
ол усуллар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияларни интегра-
тив асосда ривожлантиришга катта эҳтиёж сезилади. Ривожланган хорижий давлатларда ҳуқуқни
ўқитишига доир илмий адабиётларда бошланғич синфдан бошлаб қонунга риоя қилиш, хусусан,
қонунга итоаткорликкага алоҳида эътибор берилади ва таълим жараёнида интерфаол усуллардан
унумли фойдаланилади. Дунё тажрибасида ҳуқуқий саводхонлик машғулотлари бир бўлим ёки
бир мавзу билан тугаб қолмайди. Умумий ўрта таълимда, хусусан, касбий фанларни ўқитувчи
дарсликларда келтирилган ўкув топшириклари, кейслар тўғри яшаш кўниммаларининг осонгина
шаклланишига олиб келади.

Ҳуқуқий компетенциянинг ҳам қўйидаги кўринишлари мавжуд:

Ижтимоий-ҳуқуқий компетенция – таълим жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, хусусан,
уни модернизациялаш борасидаги ҳужжатлар юзасидан билимлар, меҳнатни муҳофаза қилиш
ва техника хавфсизлиги қоидалари ҳамда меъёрларига амал қилиш, болалар ва ўсмирларни
ижтимоий ёмон иллатлардан муҳофаза қилишни билиш, таълим жараёнида талабаларнинг ҳаёти
ва саломатлигини асрарни билиш, олий таълим муассасаси ва аудитория ҳужжатларини юритиш
кўниммасига эга бўлиш демақдир.

Меъёрий-ҳуқуқий компетенция. Унинг мазмунига ўқитувчи-таълим оловчи, ўқитувчи-ота-она
соҳасидаги муайян меъёрий муносабатларни эгаллаганликни, бола ҳуқуқлари ва катталарнинг
болаларга нисбатан мажбуриятлари тўғрисидаги асосий ҳужжатлардан фойдаланиш билим ва ма-
лакаларини (Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари
тўғрисидаги халқаро конвенция, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»-
ги қонун), инсоннинг инсонга, жамиятга ва табиатга муносабатини тартибга солувчи ахлоқий ва
ҳуқуқий меъёрий компетенцияни эгаллаганлик, экологик ва ҳуқуқий маданиятга эгаликни киритамиз.

Дунёда хукуқ фанларини ўқитиш компетенциявий ёндашувга асосланган бўлиб, дарс жараёнида мазкур компетенцияларни шакллантириш хукуқий саводхонликнинг ривожланишига олиб келади. Шу ўринда чет элда хукуқни ўқитиш билан мамлакатимизда мазкур соҳани ўқитиш мақсадлари маълум маънода фарқ қилишини, уларни бир чизиқда тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлаш лозим. Шунга қарамай, инсон хукуқини ўрганиш бўйича белгиланган даражалар ҳамма халқларда татбиқ қилинмоқда. Бўйсунувчанлик, қонунга ҳурмат кўрсатишни ўрганишга қўйилган мазкур талаблар асосида конституция мазмунини ўқиш тушуниш, тушунганларини ёзib бера олиш малакалари шаклланади. Бундай ёндашувдан ижодий фойдаланиб, хукуқ дарсларини ҳам самарали ташкил этиш мумкин. Ривожланган давлатларнинг хукуқ ўқитиш методикасида интеграция асосида ўргатилади, асосан, топшириқларга таянади, кейс ва маҳсус топшириқлар аниқ фарқланади, ўз ўрнида ишлатилади. Шу сабабли уларнинг хукуқий компетенцияни ўрганиш лаёқати юқоридир.

Республикамида ҳам хукуқий фанларни ўқитиш компетенциявий ёндашувга асосланди. Бoshланғич таълимдан бошлаб, олий таълимга қадар хукуққа доир ўқув материаллари мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларда хукуқий компетенцияни шакллантириш, унинг натижасида хукуқий саводхонликни ошириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Қонуллар моҳиятини ўқитиш орқали бўлажак мутахассисларда креатив фикрлаш қўникмаларини шакллантириш зарур. Зеро, “Ёшлиларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, – деб таъкидланиши хукуқ таълими олдига мамлакатимиз ёшлиларини ўз ҳак-хукуқларини англайдиган эркин ҳамда саводли баён қила оладиган мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашдек долзарб вазифаларни қўяди. Шу маънода ўқувчиларда хукуқий компетенцияни ривожлантириш орқали хукуқий саводхонликни тўла шакллантириш, қонунга бўйсуниш қўникмасини ривожлантиришга замин яратиш ва мустақил фикрлашга ўргатиш учун хукуқ таълимига доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Республикамида кадрлар тайёрлашнинг педагогик асослари, ташкилий-методик шарт-шароитлари, тамоиллари, ушбу жараённи ташкил этишга қўйилаётган ижтимоий-педагогик талаблар, ахборот-коммуникация технологияларининг педагог кадрлар малакасини оширишдаги ўрни, педагогларнинг касбий ривожланишида ахборот-коммуникатив, хукуқий компетентликка эга бўлишнинг аҳамияти А.Аминов, З.А.Артиқбаева, У.Ш.Бегимқулов, Н.А.Муслимов, М.Дехқонова, М.Т.Жуманиёзова, Ш.Қ.Мардонов, М.Т.Мирсолиева, М.М.Ниматулаев, Б.Нуридинов, Д.М.Сайфуров, М.Файзиева, Д.А.Хидоятова, Т.Т.Шоймардонов, Р.Т.Юлдашев, А.Д.Аскаров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида кадрларнинг ахборот-коммуникатив, хукуқий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият моҳияти, механизми, омиллари, методик асослари В.И.Байденко, А.С.Белкин, И.И.Боброва, Л.В.Бочарова, Н.П.Бурцев, С.А.Быков, В.Н.Введенский, З.В.Возгова, Г.С.Вяликова, Н.Г.Витковская, В.Б.Гаргай, Н.Ю.Гончарова, А.В.Гоферберг, В.В.Гриншкун, С.А.Дочкин, В.М.Дрофа, С.А.Жданов, Д.Ф.Ильясов, Л.М.Исмагилова, С.Д.Каракозов, Р.О.Калошина, Ю.Н.Куликова, С.Д.Муканова, А.А.Мухатаев, Т.С.Панина, В.А.Паттурин, А.И.Тимошенко, А.А.Толкачева, О.В.Урсова, Н.А.Филинова, Е.К.Хеннерлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Э.Х.Морий (E.H.Mory), Томас Л.Фредман (Thomas L. Friedman), У.Биненгрaber (U.Bienengraber), О.Ворндрэн (O.Vorndran), М.Осборн (M.Osborn)ларнинг илмий ишларида кадрларнинг ахборот-коммуникатив, хукуқий компетентлигини ривожлантиришнинг интеграцион, адаптив ва модулли технологиялари тадқиқ этилган.

Қайд этилган тадқиқотларда асосан, педагогик таълимида ўқувчиларнинг коммуникатив, касбий қўникмасини ривожлантириш фаолиятига доир, уларнинг таълим жараёнини лойиҳалаштиришга оид қўникмаларини шакллантириш, педагогик тафаккурини ривожлантириш, уларда таълим жараённида педагогик технологиялардан фойдаланиш қўникмаларининг айrim жиҳатлари очиб берилган. Бироқ “Ўқувчиларда хукуқий компетенцияни ривожлантириш” муаммоси мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади – ўқувчиларда хукуқий компетенцияни инновацион ёндашувлар асо-

сида ривожлантиришни такомиллаштириш бўйича ўқув-методик таъминот яратиш, ундан келиб чикувчи вазифалар қўйидагилар:

ўқувчиларнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари интегратив тизим: фанлараро боғлиқлик, субъектлар интеграцияси: ўқитувчи билан ўқувчилар таълими мухитнинг ташкилотчиси, бошқарувчиси ва иштирокчиси сифатида ҳамда корпоратив (гурӯҳ жамоаси) бошқарув компонентлари асослаш;

ўқувчиларнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантиришнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантириш жараёнини лойиҳалаштириш модели прагматик таълим усули ҳамда таълим жараёнини лойиҳалаш тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантиришнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантириш жараёнининг таянч компетенция (рефлексив, когнитив, маърифий, коммуникатив, ижтимоий)лари ўқувчилар қобилияtlарини қонун ва тафаккурнинг ўзаро диалектик боғлиқлигини интеграциялаш асосида такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг хуқуқий компетенцияни ривожлантиришда хуқуқий саводхонликка доир тушунчаларни изоҳлаш ва кейс-топшириқларнинг методик имкониятларини кенгайтиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиши.

Мазкур мақолада тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида қўйидагилар таклиф қилимокда:

ўқувчиларнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари интегратив тизим: фанлараро боғлиқлик, субъектлар интеграцияси: ўқитувчи билан ўқувчилар таълими мухитнинг ташкилотчиси, бошқарувчиси ва иштирокчиси сифатида ҳамда корпоратив (гурӯҳ жамоаси) бошқарув компонентлари асосланади;

ўқувчиларнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантиришнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантириш жараёнини лойиҳалаштириш модели прагматик таълим усули ҳамда таълим жараёнини лойиҳалаш тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилади;

ўқувчиларнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантиришнинг хуқуқий компетенциясини ривожлантириш жараёнининг таянч компетенция (рефлексив, когнитив, маърифий, коммуникатив, ижтимоий)лари ўқувчилар қобилияtlарини қонун ва тафаккурнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги интеграцияон ёндашув асосида шакллантирилади;

ўқувчиларнинг хуқуқий компетенцияни ривожлантиришда хуқуқий саводхонликка доир тушунчаларни изоҳлаш ва кейс-топшириқларнинг методик имкониятларини кенгайтиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ушбу тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, педагогика ва таълим тарихини ўрганишда, хуқуқни ўқитиш методикасини такомиллаштиришда, олий таълимда хуқуқий компетенциянининг тутган ўрнини белгилашда муҳим назарий аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур диссертацияда акс этган назарий қарашлар шу йўналишдаги янги тадқиқотлар учун манба сифатида хизмат қиласди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сифатида ишда илгари сурилган ғоялар, назарий қараш ва амалий тавсиялар дарслклар, ўқув қўлланмалар яратишида ҳамда маъруза матнлари тайёрлашда манба бўла олади. Умумий ўрта таълим мактабларида, шунингдек, олий ўқув юртларининг барча факультетларида “Хуқуқий саводхонликни ошириш” бўйича маъруза матнлари тузишда материал бўлиб хизмат қилиши, олий таълим муассасаларининг бўлажак мутахассисларига хуқуқий саводхонликни янада мукаммал ўқитишида муҳим тавсия бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –14-б.
2. <http://fayllar.org/pedagogik-kompetentlik-v6.html?page>
3. <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/download/3297/2289/8279>